

**Педагогик олий таълим муассасалри гуманитар таълим  
йўналиши талабаларининг кредит - модуль тизимида мустақил ишини  
ташқил этиш хусусиятлари.**

Эрназарова Назира Хақбердиевна, Жиззах давлат педагогика  
институту катта ўқитувчиси

**Аннотация.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрьдаги ПФ – 5847 – сон фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш тартиби жорий этилишини қарор қилди. Ушбу мақолада кредит-модуль тизимида педагогик олий таълим муассасалари гуманитар таълим йўналишлари талабаларининг мустақил ишини ташқил этиш хусусиятлари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** кредит – модуль тизими, мустақил иш, гуманитар – талабалар хусусиятлари, услубий қўлланма.

**Особенности организации самостоятельной работы студентов  
гуманитарного образовательного направления педагогических вузов в  
кредитно – модульной системе.**

Эрназарова Назира Хақбердиевна, старший преподаватель  
Джизакского государственного педагогического института

**Аннотация.** В целях обеспечения реализации задач, поставленных Указом Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования в Республике Узбекистан до 2030 года» УП - 5847 от 8 октября 2019 года, Кабинет Министров принял решение с 2020/2021 учебного года ввести порядок поэтапного перехода образовательного процесса в высших учебных заведениях республики на

кредитно - модульную систему. В статье исследуются особенности организации самостоятельной работы студентов-гуманитариев педагогических вузов в кредитно-модульной системе.

**Ключевые слова:** кредитно - модульная система, самостоятельная работа, особенности студентов – гуманитариев, методическое пособие.

**Features of the organization of independent work of students of the humanitarian educational direction of pedagogical universities in the credit - modular system.**

Ernazarova Nazira Hakberdievna senior teacher / Jizzakh State Pedagogical Institute

**Abstract.** In order to ensure the implementation of the tasks set by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On approval of the Concept for the development of the higher education system in the Republic of Uzbekistan until 2030" DP - 5847 dated October 8, 2019, the Cabinet of Ministers decided to introduce a phased transition procedure from the 2020/2021 academic year educational process in higher educational institutions of the republic on a credit - modular system. The article examines the features of the organization of independent work of students of humanitarian educational directions of pedagogical universities in the credit-modular system.

**Key words:** credit - modular system, independent work, peculiarities of students of humanitarian educational directions, methodological manual

Бугун хар бир ривожланган ва ривожланаётган хар бир давлат этиборни келажак эгалари ёшларнинг комил инсон бўлиб ривожланишига қаратилга. Шу жумладан Ўзбекистон республикаси ҳам ушбу долзарб муаммога бефарқ эмас. Келажакимиз эгалари ўз аждодларига лойиқ комил инсон бўлиб етишишлари учун барча зарур шароитлар яратилмоқда. Республикамизнинг барча хуудларида замонавий ва жахон стандартларига жавоб берадиган ўқув муассалари, ўқув марказлари ва шу жумладан

ахборот технологиялар соҳасида ёшларнинг билимларини чуқурлаштириш ва такомиллаштириш мақсадида ИТ парклар очилмоқда.

Республикамизда ҳеч бир фан эътиборсиз қолмаяпти, жумладан Президентимизнинг 2020 йил 7 майдаги Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий – тадқиқот ларни ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида 4708 сонли Қарорида математика фанини ўқитиш сифатини оширишга қаратилган барча масалалар ўз аксини топган.

Математик таълим инсоният маданиятининг бир қисмидир. Ҳозирги замонда эркин, мустақил интеллектуал фаолият олиб бориш учун зарур билимларга эга бўлиш лозим. Математик билимлар абстракт тафаккурни шакллантириш ва такомиллаштириш базасининг ажралмас қисмидир. Бундан ташқари, математика бошқа фанларни ўзлаштиришга тайёрликни таъминловчи мустақил таълим имкониятларини ривожлантиришга ёрдам берувчи омилдир.

Жамиятнинг юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга қўядиган замонавий ижтимоий талаблари олий таъли муассаслари олдида ҳар томонлама ривожланган, янги фаолият шароитларига мослаша оладиган, касбий фаолиятни давом эттиришда юзага келадиган муаммоларга ўз вақтида ва тўғри ечим топа оладиган шахсни, яъни абстракт фикрлаш қобилиятига эга бўлган кадрларни тайёрлаш вазифасини қўяди.

Математик тайёргарлик барча даражадаги умумий таълимнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Деярли барча педагогик олий таълим муассасаларининг гуманитар факултетлари учун математика курслари ўқув режанинг биринчи блок фанлари қаторида туриши барчамизга маълум. Гуманитар таълим йўналишларида математик таълим мақсади уларда математик маданиятни тарбиялашдир.

Математика умумий маданий қадриятлар ва умумий фалсафий тушунчалар билан, тарих, тиллар, адабиёт, санъат ва мусиқа ҳодисалари ва

фактлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак. Атамаларни тўғри тушуниш ва улардан тўғри фойдаланишга алоҳида эътибор берилиши керак. Шу билан бирга, гуманитар таълим йўналиши талабаси маълумотларнинг миқдорий таҳлилини ўтказишга имкон берадиган маълум бир математик аппаратни ўзлаштириши керак.

Қатор тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, педагогик олий таълим муассасаларининг гуманитар таълим йўналиши талабалари учун математика фани бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради ва натижада ўрганиш мотивациясини пасайтиради. Талабалар орасида юзага келадиган қуйидаги асосий қийинчиликларни белгилаш мумкин: гуманитар таълим йўналишларининг биринчи курсга қабул қилинган талабалар математика фанини ўрганишга ва ўзлаштиришга етарлича кўникмага эга эмас; ҳисоб-китобларнинг мураккаблиги ва кўп меҳнат талаб қилиши; ечим ва олинган жавобни талқин қилиш; кўпгина талабалар томонидан математикани ўрганиш бўлажак касбий фаолияти учун фойдасиз деб ҳисобланиши. Вужудга келган қийинчиликларнинг натижаси - ўқувчилар томонидан дарс давомида ечиладиган кам сонли вазифалар ва уларнинг ечимига талабаларнинг қизиқишининг пасайиши.

Марк Фабий Квинтилиан “12 та риторик кўрсатмалар китоби”да “... геометрияда тартиб керак; у нотикликда керак эмасми? Геометрия аввалгиси билан кейингисини, маълумлик орқали номаълумликни исботлайди, нотик худди шундай қилмайдими? Одатда геометрик исботлар энг кучли далиллар деб номланади. Нутқда далилдан ортик нима керак?” Талаба математик тилнинг сўз бойлигини билиши керак: математик белгиларнинг маъноси ва хусусиятларини тушуниши, аниқланадиган тушунчаларни аниқланмаганларидан ажратиб олиши, таъриф, аксиома, теорема нима эканлигини тушуниши, содда математик мулоҳазалардан мураккаб мулоҳазаларни ясай олиши керак. Албатта, бу саволларнинг

барчаси математика курсининг аксарият анъанавий бўлимлари материаллари ёрдамида ҳал қилиниши мумкин ва керак.

Келтирилган қийинчиликлар гуманитар таълим йўналишлари талабаларига математика ўқитишга янги ёндашувларни қидиришни назарда тутади.

Сўнги йилларда гуманитар таълим йўналишлари талабалари учун математика курсини қуришда бир нечта ёндашувлар пайдо бўлди. Қуйидаги учта асосий ёндашувни белгилаш мумкин:

- муҳандислик ва техник мутахассисликлар учун белгиланган математика бўйича дастурларни гуманитар таълим йўналишлари талабалари учун мослаштириш (асосан, ўқув жараёнининг хусусиятларини ҳисобга олмасдан дарс ҳажмини қисқартириш);

- дарс мазмунини илмий-оммабоп матнлар билан алмаштириш;

- математиканинг бир нечта бўлимларини ягона методик тамойил асосида ва гуманитар таълим йўналишлари талабаларига йўналтирилган ҳолда ўқитиш.

Охириги ёндашув самаралироқ ва истиқболли, чунки айнан шу ёндашувда математик бўлмаган таълим йўналишларида математика ўқитиш хусусиятларини ҳисобга олиш имкони кўпроқ.

**Тадқиқотчилар:** Бордаченко С.И., Васекин С.В., Воронов М.В., Мещерякова Г.П., Дмитриева М.Н ва бошқалар таъкидлаганидек, санаб ўтилган муаммолар, асосан, материални норасмий идрок этиш, сабаб-натижа муносабатларини таҳлил қилишда қийинчиликлар пайдо бўлишида ифодаланган гуманитар талабаларнинг индивидуал - психологик хусусиятларига боғлиқ.

Республикамизда 2020 – 2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида кредит – модуль тизими жорий этилиши бошланди. Ушбу тизимнинг афзаллиги шунда ки талабаларнинг мустақил таълимига алоҳида

соатлар ажратилган бўлиб, улардан таълим олишга жиддий ва онгли ёндошишни талаб этади. Кредит - модуль тизимида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Кредит - модуль тизими – ўқув жараёнини тартибга солиш ва кредитлар кўринишидаги билимлар ҳажмини ҳисобга олиш доирасида таълимнинг траекториясини танлаб олиш, индивидуаллаштириш асосида мустақил таълим ва билимларни ижодий ўзлаштириш даражасини оширадиган таълим технологиясидир. Бу ўқув жараёнига нисбатан мослашувчан бўлишга имкон беради, талаба мустақил ўрганиш учун кўпроқ ўқув курсларини танлаши мумкин.

Таълимда кредит- модуль тизимини жорий этиш самарадорлиги ва сифатини таъминлаш учун кредит технологияси, стандартлари, ўқув дастурлари, лавозим таърифлари, ўқув курслари мазмунини танлаш тамойиллари, ўқитиш тамойиллари ва услублари, талабаларнинг мустақил ишлари ташкил этиш усуллари ишлаб чиқиш зарур. Кредит- модуль таълим технологиясининг асосий вазифаларидан бири бу талабаларнинг мустақил иши ролини оширишдир.

Кредит - модуль тизимини олий ўқув юртларининг ўқув жараёнига жорий этишдан мақсад:

- маҳаллий таълим тизимини халқаро таълим майдонига интеграциялаш;

- ўқув жараёни субъектларининг академик мобилигини таъминлаш.

Талабаларнинг мустақил иши - бу таълим сифатини ошириш ва келажақдаги мутахассисларни тайёрлашнинг асосий захираларидан биридир. Кредит - модуль таълим тизимига кўра, талабаларнинг мустақил иши курснинг тенг ярмини ташкил қилади. Шу муносабат билан, кредит-модуль таълим тизимини жорий этиш шароитида талабаларнинг мустақил ишларини тўғри ва самарали ташкил этиш муаммоси жуда долзарбдир.

Шундай қилиб, олий ўқув юртларида кредит- модуль таълим тизимини жорий этиш ўқув жараёнини ташкил этишни тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қилади, талабаларнинг мустақил ишини самарали ташкил этишга имкон беради.

Талабаларнинг мустақил иши деганда - ўқув, услубий адабиётлар ва тавсиялар билан таъминланган, тестлар, коллоқвиялар, рефератлар, назорат ишлари кўринишида назорат қилинадиган мустақил ўрганиш учун ажратилган мавзулар устида мустақил иш тушунилади. Талабаларнинг мустақил ишининг тўлиқ ҳажми талабадан ҳар куни мустақил ишлашни талаб қиладиган топшириқлар билан тасдиқланиши керак. Талабаларнинг ўқитувчи раҳбарлигида мустақил иши соатлари ўқув дастурининг энг мураккаб масалалари, уй вазифаси, маърузалар ва бошқа мустақил иш топшириқлари бўйича консультацияларни ўз ичига олади. Талабаларнинг мустақил иши мазмуни, албатта, ишчи дастур (силабус) ва фан дастурида акс этади.

Талабаларнинг мустақил иши - ўқитувчиларнинг бевосита иштирокисиз талабанинг янги билим ва кўникмаларни фаол, мақсадга мувофиқ эгаллаш усули.

Гуманитар таълим йўналиши талабаларининг математика бўйича мустақил ишини ташкил этишда уларнинг индивидуал – психологик хусусиятларидан келиб чиқиш аҳамиятлидир. Ушбу жараёни ташкил этиш учун услубий қўлланмани ишлаб чиқиш бугунги кунда педагогик ОТМ лар олдида турган долзарб масалалардан бири. Бундай қўлланма математика фанининг мантиғини бузмаган ҳолда курснинг муҳим қисмларини ажратишга имкон беради.

Крефдит – модуль тизимида гуманитар таълим йўналиши талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш учун услубий қўлланмани “Мустақил иш дафтари” кўринишида ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлайман. “Мустақил иш дафтари” нинг асосий қисми талаба

томонидан мустақил равишда тўлдирилади, яъни мавзулар бўйича белгиланган назарий саволлар ва амалий топшириқларни мустақил бажаради. Шу билан талаба аудиторияда ўқитувчи томонидан узатилган билимларни мустахкамлайди ва фан бўйича кўникма, малакаларини шакллантиради ва ривожлантиради. Бу талабада курсни ўрганиш натижалари тўғрисида аниқ ғояни шакллантиришга ёрдам беради, фан бўйича зарур бўлган маълумотларни ўзлаштириш ва ёдлаш, эгалланган кўникмаларнинг аниқлаштириш ва ривожлантиришга имкон беради.

“Мустақил иш дафтари”га таърифлар, барча зарур формулаларни келтириб чиқариш, масалаларни ечиш алгоритми каби назарий материалларни киритиш маъруза машғулотларини олиб боришда вақтни тежашга имкон беради.

Курснинг мазмуни академик бўлиши керак. Аммо, гуманитар факултетларда таҳсил олаётган талабаларнинг тафаккурининг психологик хусусиятларини ва математик тайёргарлигининг ўртача даражасини ҳисобга олган ҳолда, уларга ўзлаштириш мураккаб бўлган материални расмий - мантиқий баён этиш маънога эга эмас, аксинча иложи борича, жиддий исботларни тавсифловчи- кўргазмали мулоҳазалар билан алмаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тўлақонли олий маълумот мутахассисни тайёрлаш йўналишидан катъий назар баъзи умумий талабларга жавоб бериши керак. У дунёнинг замонавий табиий-илмий манзараси тўғрисида яхлит тасаввур бериши, шахснинг ижодий ривожланишига ҳисса қўшиши керак.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Бордаченко С.И. Профессиональная подготовка студентов гуманитарного вуза в области математики. Дис. канд. пед. наук. Сходня, 2003.



2. Васекин С.В. Технологические процедуры оптимизации при проектировании учебного процесса по математике. Дис. канд. пед. наук. М., 2000.
3. Воронов М.В., Мещерякова Г.П. Математика для студентов гуманитарных факультетов / Серия «Учебники, учебные пособия» Ростов н/Д: Феникс, 2002.
4. Гаваза Т.А. Профессионально-педагогическая направленность курса математики для гуманитарных факультетов педвуза: Дис. канд. пед. наук. Орел, 2003.
5. Гусев В.А. Психолого-педагогические основы обучения математике. М.: ООО «Изд-во «Вербум-М», ООО «Издательский центр «Академия», 2003
6. Дмитриева М.Н. Проблемы мотивации при интенсивном обучении математике студентов-гуманитариев // Материалы межрегион, науч. практич. конференции "Проблемы развития личности", Рязань, 2001г.
7. Дмитриева А.Б. Самостоятельная работа по решению прикладных задач в курсе математики как условие повышения качества профессиональной подготовки обучаемых в вузе. Дис. канд. пед. наук. М, 2004.
8. Захожая Т.М. Самостоятельная работа студентов в условиях организации учебного процесса в системе кредитно – зачетных единиц// успехи современного естествознания. – 2008. - №7 – С. 112 – 113.

9. Эрнazarова Н.Х. Формирование познавательного интереса к математическому образованию студентов гуманитарных факультетов// Научный вестник СамГУ №2- 2020
10. Эрнazarова Н.Х. Methods of intensification of teaching mathematics of humanitarian students. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences* Vol. 8 No. 3, 2020 Part II ISSN 2056-5852